

Jalalov Anvarjon**Jalalova G.O**Leading researcher at the National University of Uzbekistan
фал.ф.д.(PhD)**PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF MODERN SOCIAL
MEGATRENDS AND YOUTH EMPLOYMENT: A SYSTEMATIC
ANALYSIS****ANNOTATION**

In Makola, the scientific views of modern social change and Klaus Schwab on 4 technological revolutions are analyzed. The impact of the main Mega Trends of Social Development (material, digital, Biological) on the professional training of young people, their performance on the labor market is covered. The author makes a systematic analysis of the interaction in the structure of a new social reality and profession. It is believed that due to the formation of professions based on a modern interdisciplinary approach, it is necessary to develop new skills to prepare young people for modern professions.

Key words: Information society, social change, trends, digital Mega trend, technology, profession, interdisciplinary professions

Бугунги кунда биз жуда тез ўзгарувчан даврда яшамоқдамиз. Содир бўлаётган ўзгаришлар ўз кўлами ва жаддаллиги билан олдингиларидан катта фарқ қилади. Содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришларни И.Кастельс ахборот жамияти сифатида эътироф этади. Олим индустриал ривожланиш усулида самарадорликнинг асосий манбаи энергия бўлган бўлса, янги ахборот ривожланиш усулида самарадорлик манбаи билимларни генерация қилиш, ахборотларни қайта ишлаш ва белгили коммуникация деб ҳисоблайди. Ахборот ривожланиш усулининг асосий хусусияти билимнинг билимга таъсири эканлиги таъкидланади¹. Олим инсоният тарихида биринчи бор инсон тафаккури, билими ишлаб чиқариш тизимининг бир элементи эмас, балки ишлаб чиқариш кучига айланиб бораётганлигини таъкидлайди. Муаллиф иқтисодиёт омиллари ёки агентларининг (улар фирма, ҳудуд ёки миллат бўлсин) самарадорлиги ва рақобатбардошлиги энг аввало уларнинг билимга асосланган ахборотларни генерация қилиш, қайта ишлаш ва самарадор фойдаланиш қобилиятига боғлиқ эканлигини асослаб беради². Э.Тоффлер ўзининг “Инқилобий бойлик” асарида “янги бойликлар тизими вужудга келаётганлигини³, бундай жамиятда иқтисодиёт асосини билим ва технологиялар ташкил этиши ҳақидаги фикрларни илгари суради. Замонавий ижтимоий тараққиётдаги трансформациялар

¹ Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура. - М.осква.: - С.39.

² Қаранг: Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура. - М., - С.81.

³ Тоффлер Э, Тоффлер Х. Революционное богатство. - М.: Политиздат, 2007. - С.149.

Жаҳон иқтисодий форуми ва унинг ҳар йили Давос шаҳрида ўтадиган машҳур учрашувлари асосчиси, ижрочи раиси Клаус Шваб томонидан “тўртинчи саноат инқилоби” сифатида таърифланди. Содир бўлаётган ижтимоий трансформациялар жамиятнинг барча жабҳаларини, жумладан тадбиркорлик, ёшларнинг ў ўзини банд этиш масалаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу сабабли мазкур ижтимоий ўзгаришларга оид Клаус Швабнинг “тўртинчи саноат инқилоби” ҳақидаги қарашларига қисқача тўхталиб ўтамиз. Чунки замонавий ижтимоий ўзгаришлар ҳақида билиш, келгусидаги касбий фаолият ва бандликни ривожлантириш мезонларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Олим фикрига кўра аввалги саноат инқилоблари жамиятда катта ўзгаришларга сабаб бўлганлиги, янги имкониятлар яратгани, лекин бугунги ўзгаришлар янги ғоя ва технологияларнинг дунё бўйлаб ўзига хос тарқалиш тезлиги билан ажралиб туришини таъкидлайди. Бундай шароитда олим фикрига кўра барча компаниялар, тадбиркорлар истеъмолчилар ишончини оқлаш учун бизнес амалиётларини қайта кўриб чиқишлари лозим. Биз мақолада 4 саноат инқилоби моҳиятини ёритар эканмиз, мақсадимиз содир бўлаётган инқилобий ўзгаришларни қабул қилиб, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришда қандай ижтимоий моделлар зарурлиги, ёшлар ва аёлларимизнинг келгусида қандай кўникмаларини ривожлантириш ҳақида фикр юритишдир. Шунинг учун қуйида тўртинчи саноат инқилобинини қисқача ёритиб ўтамиз.

“Инқилоб” сўзи ўзи кескин ва туб ўзгаришларни англатади. Инқилоблар янги технологиялар ва ижтимоий тизимдаги чуқур ўзгаришлар туртки берганда келиб чиқади. Бугунги кунгача учта саноат инқилоби содир бўлганлиги таъкидланади. Биринчи саноат инқилоби 1760 йиллардан 1840 йилларгача давом этган. Темир йўл ва буғ машинасининг ихтиро этилиши билан бошланган механик инқилоб эди. XIX аср охири XX бошларида иккинчи саноат инқилоби электр токининг кашф этилиши билан бошланган. Учинчи саноат инқилоби 1960 йилларда компьютерлар ҳамда интернетнинг ривожланиши билан характерланади.

4 саноат инқилоби эса XXI аср бошида юзага келган рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва машинавий таълим (Machine learning) тавсифланади⁴. Келгуси бир неча йил ичида олим фикрига кўра, тўртинчи саноат инқилобинини ҳаракатга келтирувчи технологиялар жаҳон иқтисодиёти тузилишини, жамият, ҳатто инсон шахсиятини ҳам бутунлай ўзгартириб юборади⁵. Шваб замонавий ўзгаришларни алоҳида инқилоб эканлигини асослаш мақсадида қуйидаги уч сабабни келтиради ва улар қуйидагилардан иборат⁶:

⁴ Шваб Клаус. Тўртинчи саноат инқилоби. Тошкент.:NIHOL, 2022. - Б. 18.

⁵ Шваб Клаус. Тўртинчи саноат инқилоби. Тошкент.:NIHOL, 2022. - Б. 6.

⁶ Шваб Клаус. Тўртинчи саноат инқилоби. Тошкент.:NIHOL, 2022. - Б. 12..

1. *Тезлик*. Замонавий ўзгаришларнинг чизикли эмас балки геометрик прогрессия бўйлаб кечаётганлиги. Бундай тезликнинг сабабини олим, кўп қиррали, ўзаро боғланган дунёда яшаётганимизда деб билади.
2. *Кенглик ва чуқурлик*. Бизнес, жамиятни ва шахсий қарашларда мисли кўрилмаган ўзгаришларга олиб келувчи кўплаб технологияларни бирлаштиради. Натижада ўзгаришлар кенгайиб, чуқурлашиб нафақат “нимани” ва “қандай қилиб” бажаришни, балки “ким” эканимизни ҳам ўзгартириб юбормоқда.
3. *Тизимли таъсир*. У мамлакат ичида, мамлакатлар ўртасида, компаниялар, саноат соҳасида тизимли ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Олим инқилобнинг глобал ва туб табиати шунинг англатадики, у барча мамлакатлар, иқтисодиётлар, соҳа ва одамларга таъсир этади. Шунинг учун бу даврда самарали ижтимоий ҳамкорликка эътиборни кучайтириш лозим.

Бу даврнинг асосий мега трендларини учга бўлиш мумкин: моддий, рақамли, биологик. Демак, ўзгаришлар шу жабҳаларда кенг намоён бўлади. Моддий мегатренд ўз ичига автоном ҳаракатланувчи автомобиллар, 3D принтлаш, роботлар, янги материалларни олади.

Рақамли мега тренд эса “буюмлар интернетини” ўз ичига олади. Яъни у маҳсулотлар, хизматлар, жойлар ва ҳ.к ларнинг технологиялар ва турли платформалар воситасидаги алоқаларга асосланади.

Биологик мега тренд генетика соҳасидаги инновацияларни, кейинги босқичда эса синтетик биология, нейро технологиялардан иборат. Жаҳон иқтисодий форуми 2025 йилга бориб содир бўлиши кутилаётган бурилиш нуқталарини келтириб ўтди⁷. Ушбу бурилиш нуқталари ёшларимиздаги касбий тайёргарлик, уларнинг тадбиркорлиги йўналишларига ҳам ўз таъсирини кўрсатадими? Ёшларимиз кутилаётган инқилобий ўзгаришлар даврида қандай касбларни танлаши, қандай малакаларга эга бўлиши лозим? Бу саволлар ҳар бир ривожланишни истовчи давлат, мамлакат ва халқнинг олдида турган долзарб саволлардир. Саволларни кўриб чиқамиз. Содир бўлаётган туб ўзгаришлар бандлик ва пировардида касблар структурасига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Энг аввало бандлик соҳасига бўлган таъсирни келтириб ўтиш лозим. Технологияларнинг ўсиб бориши бандлика икки ёқлама таъсир қилади. Биринчиси, ишчи, ходимлар ишсиз қолади ёки янги кўникмаларни шакллантиришга тўғри келади. Иккинчидан, янги технологиялар таъсирида янги маҳсулот ва хизматларга талаб ортади. Пировардида янги иш ўринлари, бизнес ташкилотлар, ҳатто бутун бошли саноат соҳалари ҳосил бўлади. Масалан, 2015 йилда Америка Ҳарбий Кучларида дронларни бошқариш учун 30 киши, бошқарилмайдиган учувчи аппаратлар (дронлар) дан олинган ахборотларни таҳлил қилиш учун эса камида 80 та ходим керак булган⁸. Кўриниб турибдики, ижтимоий мега трендларбандлик ва касб

⁷ Жаҳон иқтисодий форуми . 2015 йил, сентябрь

⁸ Ювалб Ной Харари. 21 урок для XXI века. Москва.: Синдбад, 2019. – Б. 51.

структурасидаги трансформацияларни келтириб чиқармоқда. Бундай трансформация, яъни янги бир тизимга ўтилиш жараёнида конструктив бўлиши учун МОТ бандлик соҳасига таъсир этувчи юқорида кўрсатиб ўтилган мега трендларнинг таъсирини доимий ўрганиш, таҳлил этиш ва улар асосида замонавий, янги меҳнат меъёrlарини ишлаб чиқаришга эътиборни кучайтириш лозимлиги таъкидлайди. Шу мақсадда МОТ томонидан “муносиб меҳнат билан таъминлашга хизмат қилувчи рақамли технологияларнинг инновацион лабораториясини ташкил этиш”⁹ таклиф этилди. Мазкур лаборатория янги технологияларни тестдан ўтказиш, уларга мослашиш, иш берувчи ва ходимларни олинган маълумотларга кўра таълим олишларини ташкил этиш вазифасини бажаради. Шу ўринда мазкур рақамли технологияларнинг инновацион лабораторияларида келгусидаги касбларнинг фанлараро ёндашувга асосланаётганлигини ҳисобга олган ҳолда фаолиятларини ташкил этишларини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Фанлараро касбларни эгалаш учун бир қанча фанларга, касбларга оид малакаларга эга бўлиш лозим. Замонавий технологияларнинг жуда кўплари ҳам фанлараро ёндашув асосида яратилганлиги учун, улардан фойдаланиб фаолият олиб бориш фанлараро касбларга бўлган эҳтиёжни оширмоқда. Ривожланган давлатларда ёшларни фанлараро касбларга тайёрлаш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, германия таълим тизимида биохимия, медицина физикаси, биоматематика, спорт иқтисодиёти, иқтисодий муҳандислик, медиа –информатика, биомедицина муҳандислиги, бизнес-психология, кўчмас мулк иқтисодиёти, дизайн менеджменти ва ҳ.к каби фанлараро касблар тайёрланмоқда. Демак, келажакда кўплаб соҳа ва касб турларида инновациялар кириб келади. Натижада тақрорланувчи механик ишдан иборат касблар автоматлаштирилади. Масалан, бугунги кунда ҳуқуқшунос, молиявий таҳлилчилар, журналистлар, ҳисобчилар, кутубхоначилар ва жуда кўплаб касбларнинг фаолиятига компьютерлар кириб борган. Шу ўринда фикримизнинг исботи сифатида фанлараро ёндашув касбларидан бўлган “Трендвотчер” ликни келтиришимиз мумкин. Бу касбга ҳозирда Гарвард университети, INSEAD, London Business School, Massachusetts Institute of Technology ларда тайёрланмоқда. Германия, Великобритания, Испания, Италия, Швейцария каби мамлакатларда бемалаол ишлай олади. Трендвотчерлар иқтисодиёт, маданият, жамиятдаги тенденцияларни ўрганиб борадилар. Ўрганишлари асосида бизнес, истеъмолчиларнинг ҳатти ҳаракатларига таъсир қилувчи асосий йўналишлардан иборат ҳисоботлар тайёрлайдилар. Бу эса ривожланган давлатлардаги компанияларда ўз маркетинг сиёсатини режалаштиришга ёрдам бера олувчи трендвотчерларга (*trend watchers*) бўлган талабнинг ортиб боришига олиб келади. Мазкур касб эгалари жамият, маданиятга оид билимларга эга бўлиши, чет тиллари, молия, маркетингни ҳам билишлари талаб этилади.

⁹ Работать ради лучшего будущего – Глобальная комиссия по вопросам будущего сферы труда
Международное бюро труда – Женева: МБТ, 2019.- Б.66.

Демак, сунъий интеллект, автоматизация, робототехника асосидаги технологик ўзгаришлар натижасида янги иш ўринлари яратилади. Аммо ёшларимиз бундай янги имкониятлардан фойдаланишга тайёрми? Замонавий ижтимоий мега трендлар даврида ёшларимиз меҳнат бозори талабларига жавоб бера олувчи малакаларга эгами? Бугунги кунда ёшларимиздан талаб қилинадиган касбий малакалар эртанги кунда эскириб қолиши мумкин¹⁰. Шунинг учун ҳар бир мамлакатда янги шароитларга мос чораларнинг кўрилмаслиги регионал ва гендер тафовутларнинг кучайиб кетишига олиб келади.

Шундай экан, ёшларимизни кутаётган бундай даврда ижобий натижа олиш ва талофатсиз ўтиш учун қандай йўл тутишимиз лозим?

Бунинг учун ёшларда қандай малакаларни шакллантириш зарур? Замонавий касбларни эгаллаш учун давлат, таълим ва оила, шахснинг ўзи ҳамкорликда биргаликда ёшларда тизимли тафаккур; коммуникацион малака, ҳамкорликда ижод қила олиши; эмпатия, глобал фикрлай олиш, танийдий тафаккур талаб қилинади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, бу жиҳатлар бугун ҳам жуда зарур аммо 10 йиллардан сўнг уларсиз ёшларга жуда қийин бўлади меҳнат бозорида ўзининг муносиб ўрнини топиши. .

Хулоса қилиб айтганда, замонавий ижтимоий трансформация жараёнлари ёшларни касбий тайёрлаш, меҳнат бозорида ҳам ҳам тизимли ўзгаришларни келтириб чиқармоқда.

Синергетик таҳлилга кўра, касблар мураккаб тизимга айланиб бормоқда. Мураккаб тизим сифатида касблар ҳам қуйидаги хусусиятларни ўзида намоён этмоқда:

Касблар динамик тизимга айланиб бормоқда. Яъни мураккаб тизимда элементлар кўп ва жуда тез ўзгарувчан бўлади.

Касб тизимидаги хилма хиллик ортмоқда. Касблар тизими ўзгариш қобилиятига, мослашувчанликка имкон берувчи, тизимнинг элементлари ёки тизимчаларининг хилма хиллигидир.

Касблар тизими, мураккаб ва очик тизим бўлиб, у доимо ижтимоий мега трендлар таъсирида ўзгаради, ўз таъсирини жамиятга кўрсатувчи синергияда бўлади.

Касблар тизимда *эмержент феноменлар ҳосил бўлади* Эмержент ҳодисалар деб янги кутилмаганда ҳосил бўладиган тизимдаги хусусиятларга айтамыз.

Шундай экан, ёшларни фанларга ёндашувга асосланган касбларга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларни мега трендлар таъсирида келиб чиқадиган ишсизлик ва малакасиз ходимга айланиб қолишдан сақлайди. “Муносиб меҳнат”¹¹ билан таъминланиш имкониятини оширади.

¹⁰ Работать ради лучшего будущего – Глобальная комиссия по вопросам будущего сферы труда Международное бюро труда – Женева: МБТ, 2019. - Б.10.

¹¹ Работать ради лучшего будущего – Глобальная комиссия по вопросам будущего сферы труда Международное бюро труда – Женева: МБТ, 2019 г

Фойдаланилган адабиётлар:

1. **Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура. - Москва.: - С.39.**
2. **Қаранг: Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура. - М., - С.81.**
3. Тоффлер Э, Тоффлер Х. Революционное богатство. - М.: Политиздат, 2007. - С.149.
4. Шваб Клаус. Тўртинчи саноат инқилоби. Тошкент.:NIHOL, 2022. - Б. 18; 6; 12.
5. Жаҳон иқтисодий форуми . 2015 йил, сентябрь
6. Юваль Ной Харари. 21 урок для XXI века. Москва.: Синдбад, 2019. – Б. 51.
7. Работать ради лучшего будущего – Глобальная комиссия по вопросам будущего сферы труда Международное бюро труда – Женева: МБТ, 2019.- Б.66.
8. Работать ради лучшего будущего – Глобальная комиссия по вопросам будущего сферы труда Международное бюро труда – Женева: МБТ, 2019. - Б.10.